

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ


60111000 –ГЕОГРАФИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ

БИЛИМ АСОСЛАРИ

бакалаврият таълим йўналишининг

МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ

Тошкент - 2022



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат педагогика университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги _____ бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «08» _____ даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «9» _____ даги 302 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби олий таълимнинг Давлат таълим стандарти, Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкаси ва касб стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

1	Кўлланиш соҳаси	
1.1.1	60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2	60111000-География ва иқтисодий билим асослари бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.2.1	60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2	60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3	60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4	60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	6
2.	60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	8
2.1	Битирувчи қуйдаги умуммаданий компетенциялар.....	8
2.2	Касбий компетенциялар.....	9
2.3	Фанга доир компетенциялар.....	10
	Келишув вараги	11

1. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи

60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш миллий малака рамкаси, касб стандартлари, кадрлар буюртмачилари талаб ва эҳтиёжларидан келиб чикиб кундузги ва кечки таълим шаклларида амалга оширилади.

Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади.

Кундузги таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4 йил. Кечки таълимда бакалавриат дастурининг меъёрий муддати 4,5 (5) йил бўлиши мумкин.

Бакалавриат ўқув дастурининг ҳажми таълим шакли (кундузги, кечки), фойдаланиладиган таълим технологияларидан қатъий назар 240 кредит бирлигини ташкил этади.

Бир ўқув йили учун бакалавриат таълим дастурининг ҳажми 60 кредитни ташкил этади.

Мазкур йўналиш доирасида ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш амалга оширилиши мумкин. Академик гуруҳ танлови асосидаги траекторияга кўра квалификация университет илмий кенгаши томонидан тасдиқланади. Қўшимча мутахассислик (квалификация) учун ўқув режанинг танлов фанлари таркибидан 40-60 кредит миқдорида ўқув ташкил қилиниши назарда тутилади.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиши бўйича малака талаблари, ўқув режа ва ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалавриат битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

- умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси касб стандартига мувофиқ умумий ўрта таълимда “Табиий фанлар (Science)”, «География (Материклар ва океанлар табиий географияси)», «География (Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиий географияси)», «География (Ўзбекистон иқтисодий-ижтимоий географияси)», «География (Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси)», «География (Амалий география)», “Иқтисодий билим асослари” ҳамда “Тадбиркорлик асослари” фанлари ўқитувчиси мақомида педагогик фаолият олиб бориш;

- ўрта махсус ва профессионал таълимда География фани ўқитувчиси сифатида педагогик ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда фаолият олиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида кичик илмий ходим, лаборант сифатида фаолият олиб бориш;

- умумий ўрта таълим мактаби директори касб стандартига мувофиқ таълим муассасасини бошқариш;

- умумий ўрта таълим мактаби, профессионал таълим муассасалари, олий таълимда кабинет мудури методист ва унга тенглаштирилган лавозимларда фаолият юритиш каби комплекс масалаларни мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

- География, иқтисодий билим асослари таълими жараёни, мазкур фанлар тизимини ўқитишни такомиллаштиришга имкон берадиган педагогик ва инновацион технологиялар, методлар, география таълимининг назарий масалалари, ўқитиш методикаси, маъруза, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини лойиҳалаштириш ва ташкил этиш жараёни;

- шахсий ва касбий маҳоратни шакллантириш жараёни, умумтаълим мактабларидан ташқари таълим муассасалари таълим-тарбия жараёни, таълим соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ечимларини топишни ташкил этиш жараёни, таълимни бошқариш ва педагогик жараённи ташкил этишни тушуниш ва идрок этиш, таълим жараёни меъёрий хужжатлари;

- табиий, иқтисодий-ижтимоий география, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, география таълими, иқтисодиёт соҳаларидаги муаммолар ва уларнинг ечимлари;

- География ҳамда иқтисодий билим асослари ихтисослиги бўйича илмий-тадқиқот жараёнлари масалаларини қамраб олади.

60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган ушбу йўналишдаги умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғилланиш ҳуқуқига эга бўлади.

1.2.3. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- *Педагогик фаолият;*
- *ташкилий-бошқарув фаолият;*
- *илмий-тадқиқот фаолияти;*
- *маънавий-маърифий фаолият;*
- *тадбиркорлик.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланадиган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси куйидаги касбий вазифаларни бажаришга кодир бўлиши лозим:

Педагогик фаолиятда:

- **ўқув жараёнини режалаштириш:** ДТС ва ЎД ларининг мақсадларига мувофиқ ўқув режа ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларидан келиб чиқиб ўқув дастурларини мослаштириш, фанларни корреляция ва интеграция тамойилларига кўра режалаштириш, дарснинг аниқ мақсад ва натижаларига кўра дарс режасини ишлаб чиқиш, дифференциал ёндашув асосида дарс шакллари ва усулларини режалаштириш, ўқув, намоёниш ва таркатма материаллардан фойдаланишни режалаштириш;

- **таълим самарадорлигини таъминлаш:** дарс мақсадларига кўра ўқувчилар имкониятидан келиб чиқиб вазифаларни белгилаш, дарс мавзусига мос намоёниш ва таркатма материаллардан фойдаланиш, дарсда вақт таксимотини тўғри режалаштириш, таълим жараёнида АКТдан унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг ўзлаштириш натижаларига кўра дарсни ташкил этиш ва таълим беришдаги ёндашувларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш, ўқувчиларнинг таълимий мақсадлари ва ёш хусусиятларига мос келадиган ўқитиш усуллари ва ёндашувларни танлаш, ўқитишнинг фаол усулларидан фойдаланиш, ўқувчиларнинг асосий компетенциялари ва ҳаётий кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилган усуллардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг жамоавий ва лойихавий ишларини ташкил этиш ўз-ўзини назорат қилиш кўникмаларидан фойдаланиш, ўқувчиларга дифференциал ёрдам бериш, назария ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш, ўқувчиларни мустақил фикрлаш имкониятини яратиш, дарсда мотивацияга эришиш,

синфда самарали мулоқотга эришиш;

- **Ўзлаштиришни баҳолаш ва қайта алоқани тақдим этиш:** таълим натижаларини баҳолаш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини диагностика қилиш учун турли усул ва воситалардан фойдаланиш, таълим натижаларини таҳлил қилиш, дарс режаси ва усулларини мослаштиришда таҳлил натижаларидан фойдаланиш, баҳолаш мезонларини билиши ва амалда қўллай олиши, мавжуд муаммоларни аниқлай олиши ва таҳлил қилиш

- **тарбиявий фаолиятни ташкил этиш:** тарбиявий ишларнинг замонавий, интерактив шакл ва усулларини машгулот ҳамда синфдан ташқари ишларда қўллаш, тарбиявий ишларда ўқувчиларнинг жинси, ёши, маданий ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиши, таълим муассасасининг устави ва ички тартиб қоидаларига мувофиқ ўқувчилар учун аниқ одоб-ахлоқ қоидаларини ўрнатиш, ижтимоий соғлом муҳитни ярати олиш, ўқувчиларда когнитив фаоллик, мустақиллик, ташаббускорлик, ижодкорлик фуқаролик позицияси, меҳнатга лаёқати, соғлом ва хавфсиз турмуш тарзи маданиятини ривожлантириш

- **хавфсиз ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш ва таъминлаш:** ўқувчилар орасида ўзаро ҳурмат муҳитини яратиш, ўқувчиларга синф ҳаётида тенг имкониятлар яратса, низоли вазиятларда оптимал ечимли қарор чиқара олиши, ўқувчилар билан индивидуал ишлар олиб бориши, замонавий оммавий ахборот воситалари дунёсида хавфсиз ишлашга ёрдам бера олиш;

- **Ўз-ўзини ривожлантириш ва касбий ўсиш:** мунтазам малака ошириш курсаридан ўтиш, фанга оид адабиётлар билан танишиб, янги билимларни амалиётда қўллаш, касбий фаолият юзасидан семинар ва тренингларда иштирок этиш ҳамда ташкил этиш, ўзаро дарсларда қатнашиш, дарсларни таҳлил қилиш, очик дарслар ўтказиш, касбий фаолиятда керакли ўзгаришларни амалга ошириш;

- **ҳамкасблар ва таълим олувчиларнинг ота-оналари (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан ҳамкорлик ўрнатиш:** ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) таълим жараёнига мактаб ҳаётига жалб қилиш, ўқувчиларнинг ота-оналарини (уларнинг ўрнини босувчи шахсларни) ўқувчиларни ривожланиши ва таълим муҳити тўғрисида қарор қабул қилишда иштирок этишга жалб этиш, тарбиявий муаммоларни ҳал қилишда ва ўқувчиларни ҳаётга тайёрлашда бошқа педагогик ходимлар ва мутахассислар, жамоат ташкилотлари ва бўлимлари (Ёшлар иттифоқи) билан ҳамкорлик қилиш;

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- География, иктисодиёт соҳаларининг илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

- География ва иктисодиёт соҳаларига доир интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий ишлар, тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда катнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш.

Маънавий-маърифий фаолиятида:

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиш, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиклол ғоясини сингдириш;
- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;
- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний кадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садокат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш.

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- педагогик ва ахборот технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- жамоада ижтимоий ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ва бошқариш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда тўғри қарор қабул қилиш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишнинг натижаларини баҳолаш қобилиятларига эга бўлиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- таълимда янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. 60111000-География ва иқтисодий билим асослари таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- 2.1.1. дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши, Шахсий ўсишга интилишни шакллантириш ва объектив баҳолаш, шунингдек, таълим олувчиларнинг интеллектуал ривожланиш даражасини ошириш кўникмаларига эга бўлиш;

2.2.2. Она тилида ўз фикрларини тизимли ва эркин баён этиш, илмий матнлар билан ишлаш, оммавий нутқ сўзлаш учун она тили ва чет тилларидан бирида ёзма ва оғзаки нутқ кўникмаларини эгаллаганлик;

2.2.3. Табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар хақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши хақидаги ва экологик билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;

2.2.4. инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;

2.2.5. Ахборотни олиш, саралаш, саклаш ва қайта ишлаш метод, усул ва воситаларидан фойдаланиш ва медиасаводхонлик; глобал компютер тармоқлар билан ишлаш кўникмаларига эгаллик.

2.2.6. Ижтимоий ўзаро ҳаракатга киришишда таълим иштирокчиларининг этномаданий ўзига ҳосликларини ҳисобга олиш.

2.2.7. География ва иктисодий билим асослари - бакалаврият таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;

2.2.8. Янги географик, геозкологик ва иктисодий билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

2.2.9. соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш ўқув ва амалий кўникмаларига эга бўлиш.

2.2.10. Гигиена, меҳнат муҳофазаси ва ташқи таъсирлардан ҳимоя қилиш қоидалари талабларига мувофиқ, соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантиришга қобилиятлилиқ.

2.2. Касбий компетенциялар:

2.2.1. Ўқув-тарбия жараёнини моделлаштириш ва уни таълим амалиётига татбиқ этиш;

2.2.2. Турли ёш даврларида инсоннинг ҳулқ-атвори ва фаолиятини бошқаришнинг ўзига ҳосликлари, психик ва психофизиологик ривожланишнинг махсус қонуниятлари ҳамда индивидуал ўзига ҳосликларини ҳисобга олиш воситаларидан фойдланиш қобилиятига эгаллик; ота-оналар(ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) билан муносабатга кириша олиш;

2.2.3. Психологик ва педагогик тадқиқотларнинг миқдор ва сифат методларини эгаллаганлик.

2.2.4. Турли ёш гуруҳидаги болаларнинг ривожланиши, мулоқоти, фаолиятини ташхис этиш методларидан фойдаланиш қобилиятига эгаллик;

2.2.5. Ўқитиш, тарбия, ривожланишнинг турли назарияларига доир билимлар, таълимнинг турли босқичларида ўқитиш дастурларидан фойдаланиш қобилияти;

2.2.6. Болаларнинг хилма-хил фаолиятини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;

2.2.7. Таълим жараёни субъектларининг биргаликдаги ҳамкорликдаги фаолияти ва шахслараро ўзаро ҳаракатини ташкил этиш усулларини эгаллаганлик;

2.2.8. Педагоглик касбининг юксак ижтимоий аҳамият касб этишини тушуниш, касбий этика тамойилларига риоя қилиш;

2.2.9. Жамиятнинг ижтимоий-маданий тузилмасининг ўзига хосликлари, шунингдек, миллий тарбиянинг қонуният ва тамойилларини ҳисобга олган ҳолда, кўпмаданиятчилик муҳитида касбий фаолиятни ташкил этиш усулларини эгаллаш;

2.2.10. Касбий вазифаларни ҳал этишда фанлараро ва ваколатли тузилмаларнинг биргаликдаги фаолиятида иштирок этишга қобилиятчилик;

2.2.11. Касбий фаолиятда бола ҳуқуқлари тўғрисидаги асосий халқаро ва миллий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш қобилияти;

2.2.12. Танқидий фикрлаш методикасини ўзлаштирганлик;

2.2.13. Инклюзив таълимга қадриятли муносабатнинг таркиб топганлиги; узок вақт даволанишга муҳтож ўқувчилар билан ишлаш (госпитал педагогика) технологиясига эга бўлиши;

2.2.14. Таълим олувчиларга ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига мослашувчанликка доир компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам берадиган ва фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга имкун берадиган натижавийлик ва мобилликка йўналтирилган ўқитишга қобилиятчилик.

2.3. Фанга доир компетенциялар:

2.3.1. таълим мазмунини белгилаш тамойиллари ва мезонларига риоя этиш, ўқув материалларини танлаш ва тизимлаштиришга доир замонавий ёндашувларни ҳисобга олиш, ўқув материалларини моделлаштириш;

2.3.2. яхлит педагогик жараённинг умумий қонун, қонуният ва тамойилларига амал қилиш, таълим-тарбия жараёнида гносеологик, ташкилий, психологик, дидактик, социологик ва кибернетик қонуниятларнинг уйғунлигига эришиш;

2.3.3. таълим-тарбия жараёни таркибий қисмлари (мақсад, натижа, мазмун, шакл, метод ва восита)нинг ўзаро алоқадорлиги ва умумийлигини ҳисобга олиш;

2.3.4. таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг асосий ва ёрдамчи шаклларида унумли фойдаланиш, ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш ва ўтказиш;

2.3.5. таълим-тарбиянинг хилма-хил методларини, замонавий педагогик технологияларни оқилона танлай олиш, ижодий ёндашув асосида метод ва технологияларнинг миллий менталитетга мослигини таъминлаш;

2.3.6. Географик ва иқтисодий фанларнинг асосий мақсади ва тушунчалари, шаклланиши ва ривожланишининг тарихий босқичлари, Ўзбекистон олимларининг география, атроф-муҳит муҳофазаси, иқтисодиёт соҳаларидаги ютуқлари, олимларнинг география ва иқтисодиётнинг ривожлантиришига қўшган ҳиссалари, замонавий география ва иқтисодиёт фанларининг замонавий ютуқларини билиши;

2.3.7. географиянинг тадқиқот усуллари, Коинот, Қуёш тизими, географик қобикда содир бўлаётган воқеа ва ҳодисалар, географик қобикнинг яхлит тизим сифатида бўйлама ва кўндаланг тузилиши, географик қобикнинг таркибий қисмлари, ундаги ҳаракатлар, келиб чиқиш сабаблари ва ривожланиш қонуниятлари, жамият ва табиатнинг ўзаро алоқадорлиги ҳамда инсоннинг географик жараёнларга таъсири, географик баҳолаш ва башорат ҳақида билим бериш, таҳлил қилишга ўргатиш, таҳлилий – танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиш;

2.3.8. географик карталарнинг асоси бўлган топографик карта асосида географик карталарни тузиш, дала шароитида геодезия ўлчаш ишларни ўрганиш, топографик асбоблар тўғрисида зарурий маълумотларга эга бўлиш, географик карталарни ўқиш ва фойдаланиш, географик карта ва атласларнинг турлари, уларни таҳлил қилиш ва баҳолаш, географик карталардан фойдаланиш усуллари, географик карталарни нашрга тайёрлаш ва нашр қилиш, умумтаълим мактабларида фойдаланиладиган географик карта ва атласлар, уларни таҳлил қилиш ҳақида билимлар бериш;

2.3.9. ернинг ривожланиш босқичлари, геологик жараёнлар, минераллар пайдо бўлиши, фойдали қазилмаларининг аҳамияти, ернинг геологик ривожланиш тарихи, эон, эра ва даврлар мазмунини ўргатиш ҳамда тупроқ ҳосил бўлиш омиллари, тупроқнинг табиат компоненти сифатида бошқа компонентлар билан ўзаро таъсир ва алоқада ривожланиши, тупроқларнинг турлари ва хоссалари, географик тарқалиши, уни карталаштириш масалаларига оид билимлар бериш ва ўргатиш;

2.3.10. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш тушунчаси, экологик омиллар, табиий ресурслар ва уларнинг типлари, улардан оқилона фойдаланишнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳақида билим ва кўникмалар бериш, уларда экологик тушунчаларни шакллантириш, геоэкологияга оид билимлар беришда ҳамда табиатни муҳофаза қилиш шаклларини ўргатиш;

2.3.11. ер юзасидаги материклар ва океанларнинг табиатини, унда содир бўладиган жараёнлар ва ҳодисаларнинг ўзаро бир-бирига боғлиқлигини, географик қобикнинг барқарор ривожланиш қонуниятларини, материкларни табиий географик районлаштиришни ўрганиш, Ўрта Осиё ва Ўзбекистон табиатининг ўзига хос табиий географик хусусиятлари, табиий шароити ва ресурслари, табиат комплекслари, табиат ҳодисалари ва уларнинг ривожланиш қонуниятларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги ҳамда алоқадорлигини ўрганиш, табиий географик районлаштириш масалалари, табиий географик кичик провинция ва округлар, уларнинг ўзига хос табиий географик хусусиятларини таҳлил қилиш ва ўрганиш кўникмаларни шакллантириш;

2.3.12. география ўқитиш методикасининг ривожланиш тарихи, асосий тамойиллари ва қонуниятлари, долзарб муаммолари, фанни ўқитишнинг мазмуни, методлари, воситалари, шакллари шунингдек, хусусий методиканинг ўзига хос хусусиятлари, фанни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан фойдаланиш, STEAM ёндашуви, STEAM ёндашувининг ўқув самарадорлигига таъсири, STEAM тизимининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, STEAM таълими, STEAM таълимининг пайдо бўлиши, STEAM ёндашувининг энг машҳур намунаси, Интеграциялашган

та'лим, та'лим олувчиларни STEAM га жалб қилиш, STEAM таълим муҳитида таълим олувчиларга яратиладиган имкониятлар ўқувчилар онги ва қалбига миллий ғояни сингдиришда зарур методик билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш йўлларига оид билимлар бериш, таҳлилий – танқидий, ижодий ва мустақил фикр юритиш ва ўргатиш, таълимни ДТС меъёрлари, ўқув дастурларига кўра ташкил этиши, баҳолаш мезонларини тушуниши, халқаро баҳолаш тадқиқотларини билиши ва ўқувчиларнинг табиий-илмий саводхонлигини (PISA контекстлари) ривожлантириш фаолиятида замонавий таълим технологияларидан самарали фойдалана олиш кўникма ва малакаларига эга бўлиши;

2.3.13. иқтисодий билим асосларини ўқитиш методикаси... - Иқтисодий билимларни ўрганиш услубиёти, иқтисодий жараёнларни, воқеа ва ҳодисаларни таҳлил қилиш усуллари ҳақида, фаннинг мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари, иқтисодий таълимотлар ҳақидаги билимга; иқтисодий қонунларни, илмий тушунчалар (категориялар)ни, иқтисодий масалалар бўйича қабул қилинган қонунлар ва қарорларни ўрганиши, билиши, риоя қилиши ва ҳаётда қўллаш олиш, иқтисодчи олимлар ҳаёти ва ижоди, уларнинг иқтисодий фикрлари ва ғояларини таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ҳозирги кундаги аҳамияти ҳақида талабаларда тегишли кўникмага; бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва иқтисодий ислохотларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб берувчи қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, иқтисодий таълимотларнинг моҳиятини аниқлаш ва тушунтириш, ҳозирги замон иқтисодий таълимотлари ва шу йўналишдаги олимлар ғоялари мазмунини очиқ бериш малакасига эга бўлиш;

2.3.14. жаҳон, республикамиз ва унга кўшни давлатларнинг ўзига хос географик ўрни, табиий бойликлари, аҳолиси ва меҳнат ресурслари, улар халқ ҳўжалигининг асосий хусусиятлари, ишлаб чиқариш тармоқларининг таркиби ва ҳудудий жойлашиши, ташқи иқтисодий алоқалари, иқтисодий районлари ва улар ўртасидаги географик ҳамда экологик тафовутларни ўргатиш;

2.3.15. аҳолининг жаҳон мамлакатлари, Ўзбекистон Республикаси ва дунёнинг характерли айрим мамлакатлар мисолида, сони (динамикаси) ва такрор барпо қилиниш қонуниятлари, омиллари, концепциялари, аҳолининг табиий ва миграцион характерлари, меҳнат ресурслари ва улардан фойдаланиш хусусиятлари, аҳолининг ҳудудий жойлашуви, аҳоли манзилгоҳларининг шакллари ва ривожланишининг географик хусусиятлари, ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари ҳудудий жойлашувига хос бўлган хусусиятлари тўғрисида билимлар бериш;

2.3.16. географик топонимлар, географик номларининг маълум макон ва даврда ривожланиши, муайян тилларда яратилган лисоний, миллий, тарихий ва географик ёдгорликлар ҳақида билим бериш, географик номларнинг илмий ва амалий аҳамияти ҳақида билим ва кўникмалар бериш, топонимик тушунчаларни шакллантириш ва топонимларни муҳофаза қилишнинг асосий шакллари ўргатиш, географияда масала ва машқ тушунчаларининг асосий моҳияти, билиш фаолиятини фаоллаштиришда масала ва машқларнинг аҳамияти, турлари, даражалари, жой плани ва географик карталар, Ернинг ҳаво қобиғи, географик кузатувлар олиб бориш,

география дарсларида статистик маълумотлардан фойдаланиш, аҳоли географияси ва демографияси, иқтисодий-ижтимоий географияни ўқитишда, факультатив машғулотларда масала ва машқлардан фойдаланиш усулларини ўргатиш ва улардан дарс давомида фойдалана олиши кўникмаларига эга бўлиш;

2.3.17. Мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида хўжалик юритувчи субъектларда тадбиркорлик фаолиятини тўғри ташкил этиш ва уни бошқариш, шунингдек бўлажак география ва иқтисодий билим асослари-педагог ўқитувчиларда тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларни ривожлантириш;

2.3.18. Талабаларда иқтисодий субъектларнинг бозордаги ҳатти-харакати ва ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда фирма фойдасини максималлаштирувчи ишлаб чиқариш ҳажмини танлаш бўйича назарий ва амалий тушунчаларни ҳосил қилиш. Миллий иқтисодиётнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш йўллари, макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий тараққиёт ва иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий беқарорлик ва унинг сабаблари ҳақида кўникмаларни ривожлантириш;

2.3.19. Жаҳон хўжалиги тушунчаси, унинг вужудга келиш эволюцияси ҳақида, ҳозирги замон ривожланиш тенденциялари, халқаро иқтисодий ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар, уларнинг жаҳон иқтисодий тараққиётидаги ўрни, глобаллашув ва иқтисодий интеграция, хорижий инвестициялар, инвестицион ташкилотлар, халқаро молиявий ташкилотлар, жаҳон бозори, халқаро валюта тизими, халқаро кредит муносабатлари ҳақида билим, кўникмаларни ривожлантириш.

Касбий квалификациялар:

Педагог, география ва иқтисодий билим асослари, “Табиий фанлар (Science)” ўқитувчиси, Илмий тадқиқот институтлари илмий ходими.





Умумий ўрта таълим мактаблари, ихтисослашган мактаблар, лицей ва профессионал таълим муассасаларида География, Иқтисодий билим асослари, “Табиий фанлар (Science)” ва қўшимча мутахассислик (квалификация) фанларидан дарс бериш, таълим тизимида методист, ишлаб чиқариш объектлари ва ташкилотларда лаборант, фанлар академияларида лаборант-тадқиқотчи мутахассис квалификацияларига эга бўлиш мумкин.

Малака талабини ишлаб чиқишда фойдаланилган касб стандарти:





Касб стандарти номи	Касбий фаолият тури	Касб стандартининг қайд қилиш рақами	Касб стандартини амалиётга жорий этиш санаси
Умумий ўрта таълим мактаб ўқитувчиси	Умумий ўрта таълим педагогик фаолият	P.003.1286/И-21	23.08.2021 №332 ИЧ

Маъба: Касб стандартлари реестри, Маъба: Касб стандартлари реестри, <https://prof-standard.uz/uz/profstandard/129/>

**60111000-География ва иқтисодий билим асослари бакалаврият
таълим йўналиши бўйича ишлаб чиқилган
малака талаби мазмуни бўйича ишчи гурухи**

№	Ишчи гуруҳи раиси ва аъзолари	аъзоларнинг Ф.И.Ш	Лавозими, илмий даражаси ва унвони	Имзо
1	раис	Кадиров Хаёт Шарипович	Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори	
2	раис ўринбосари	Сапаров Каландар Абдуллаевич	Низомий номидаги ТДПУ Табиий фанлар факультети декани	
3	аъзо	Расулов Анвар Баходирович	Низомий номидаги ТДПУ "География ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси мудир, география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).	
4	аъзо	Ходжиматов Алишер Нигматович	Низомий номидаги ТДПУ "География ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси профессори в.б., г.ф.н.	
5	аъзо	Алимкулов Нусратулла Рахмонкулович	Низомий номидаги ТДПУ "География ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси доценти, г.ф.н.	
6	аъзо	Абдалова Зулхумор Таировна	Низомий номидаги ТДПУ "География ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси доценти, г.ф.н.	
7	аъзо	Сафарова Насиба Иранкуловна	Низомий номидаги ТДПУ "География ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси доценти, г.ф.н.	
8	аъзо	Аманбаева Зиёда Абдубоисовна	Низомий номидаги ТДПУ "География ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси доценти, г.ф.н.	
	Техник котиб	Абдуллаева Дилноза Нарзуллаевна	Низомий номидаги ТДПУ "География ва уни ўқитиш методикаси" кафедраси доценти в.б., география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).	

Ўқув ишлари бўйича проректор
Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи
Ўқув-меъёрий хужжатларни такомиллаштириш бўлими бошлиғи
Факультет декани

 Х.Ш.Кадиров
 Ф.Абдилакимов
 Б.Дж.Саттарова
 К.А.Сапаров